

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Абдурахимова Саида Аҳмаджановна -
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институтини докторанти, и.ф.н., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада республикада иқтисодий тартибга солишнинг барқарор ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, уларни истиқболли тармоқларга йўналтиришни рағбатлантириш, инвестиция сиёсатини амалга оширишда маҳаллий давлат органларининг самарадорлигини яхшилаш, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш масалалари, республикада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига персонални бошқаришда "big data" таҳлили орқали инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш таъсирини баҳолаш; истеъмол билан жамғаришни инвестиция жараёнларига таъсирини тадқиқ этиш; инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг илмий-услубий ёндошуви тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, макроиқтисодий тартибга солиш, коронавирус пандемияси, қашшоқликни йўқ қилиш, камбағаллик даражаси.

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ
ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдурахимова Саида Аҳмаджановна -
Докторант института Прогнозирования и
макроэкономических исследований, к.э.н., доцент

Аннотация: в данной статье дана оценка влияния макроэкономического регулирования инвестиционных процессов посредством анализа "больших данных" с учетом улучшения инвестиционного климата на устойчивое развитие экономики республики, поощрения их ориентации на перспективные отрасли, повышения эффективности органов местного самоуправления при реализации инвестиционной политики, макроэкономического регулирования инвестиционных процессов, эффективного; исследование влияния сбережений с потреблением на инвестиционные процессы; мнения и комментарии о научных и методологических побочных эффектах макроэкономического регулирования инвестиционных процессов.

Ключевые слова: инвестиции, макроэкономическое регулирование, пандемия коронавируса, искоренение бедности, уровень бедности.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF MACROECONOMIC REGULATION
OF INVESTMENT PROCESSES IN UZBEKISTAN

Abdurakhimova Saida Ahmadjanovna -
Doctoral student of the Forecasting and macroeconomic
research institute, PhD, associate professor

Annotation: in this article, an assessment of the impact of macroeconomic regulation of investment processes through the analysis of "big data" on the account of improving the investment climate in the sustainable development of the economy in the Republic, encouraging their orientation to prospective sectors, improving the efficiency of local government bodies in the implementation of investment policies, macroeconomic regulation of investment processes, effective; research on the impact of savings with consumption on investment processes; opinions and comments on the scientific and methodological side effects of macroeconomic regulation of investment processes

Keywords: investment, macroeconomic regulation, coronavirus pandemic, poverty eradication, poverty rate.

Кириш. Жаҳон мамлакатларида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни барқарор ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Ривожланган мамлакатларда "тўғридан-тўғри глобал инвестиция оқимлари 2019 йилда 1,54 трлн. долларни ташкил этди. Лекин инвестиция оқимлари 2019 йилдан бошлаб 40 фоизгача камайиши прогноз қилинган. Бироқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 2005 йилдан

бери биринчи марта 1 трлн. доллардан паст бўлмақда. Чунки 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар яна 5-10 фоизга камайиши ва 2022 йилдан бошлаб тикланишни бошлаши аниқланган"[1]. Шу боис, халқаро кучли рақобат шароитида мамлакат худудларининг ўзаро муносабат ривожланишини таъминлашда оқилана инвестиция сиёсати юритиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон мамлакатлар тажрибасида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга

солиш муҳим йўналишларидан бири эканини кўрсатмоқда. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш орқали иқтисодиётини барқарор ривожлантириш бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада республикада иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, уларни истиқболли тармоқларга йўналтиришни рағбатлантириш, инвестиция сиёсатини амалга оширишда маҳаллий давлат органларининг самарадорлигини яхшилаш, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш ва инвестиция дастурларини пухта ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикада иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида "...иқтисодиётга маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ва чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш[2]" вазифаси белгиланган. Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни алоҳида таъминлаш, уларни барқарор иқтисодий ривожланишини ва инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишни изчил давом эттириш вазифалари қўйилган.

Инвестиция фаолияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини энг муҳим элементи ҳисобланади. Инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида қайта ишлаб чиқариш муаммолари ва давлатни барқарор иқтисодий ўсиш масалалари ҳамда макроиқтисодий тартибга солиш жиҳатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим таркибий қисми саналади. Инвестиция фаолиятининг мақсади аҳоли даромадларини изчил ошириш ва мамлакатни иқтисодий ривожлантиришдан иборат. Инвестиция фаолияти шакллари, назаримизда, инвестициялар, инвестиция салоҳияти ҳамда инвестиция сиёсати ҳисобланади.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилаётган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити кейинги даврларда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Инвестицияларга оид назарий қоидалар ривожига Дж.М.Кейнс, Р.Харрод, Дж.Кларк каби иқтисодчи олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Инвестиция фаолиятига оид масалаларнинг кейинги ривожини ХХ асрга тўғри келади, америкалик иқтисодчи олимлар Р.Дорнбуш, С.Фишер ва Р.Шмалензиларни ишларида инвестицияларни машиналар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни яратиш, уй-жой, саноат ёки қишлоқ хўжалиги курилишини, шунингдек, товар захираларини молиялашга харажатлар призмаси орқали қаралади[3] деган фикрларни билдирган.

П.Кругман ва М.Обстфельд эса инвестицияларга хусусий фирмалар томонидан маҳсулотнинг келгуси ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган улуши сифатида[4], С.Брю ва К.Макконнелл ўз навбатида, инвестицияларга ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш воситаларини тўплаш, моддий захираларни орттириш тарзида[5] деб таъриф берганлар.

Россиялик иқтисодчи олимлар А.Д.Аюшиев, А.А.Аюшиев ва В.И.Филипповлар инвестицияларни фойда олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган моддий-мулкӣ ва бошқа қимматликларнинг барча турлари йиғиндиси сифатида[6] таърифлаган бўлса, Л.П.Кураков инвестициялар – даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйиладиган активларнинг барча турлари[7] деган фикрни билдирган.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, активларни фақат хўжалик фаолиятига қўйиш (киритиш) инвестиция жараёнини чеклайди. Шунингдек, И.А.Бланк "инвестициялар" кейинчалик уни орттириш мақсадида капитал қўйишнинг барча турларини тушунади[8] деган фикрни илгари суради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида инвестициялар бўйича келтирилган таърифлардан Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунидаги таъриф аниқ ҳисобланади. Бизнингча, инвестициялар деганда "давлат ёки хусусий капитални Ўзбекистон Республикаси ёки хорижда турли соҳа корхоналари, ижтимоий-иқтисодий дастурлар, тадбиркорлик ва инновация лойиҳаларига даромад олиш мақсадида узоқ муддатга қўйиш" сифатида тушуниш керак. Таъкидлаш жоизки, инвестициялар маълум қимматликлардан келажакда каттароқ қимматликлар олиш мақсадида ҳозирги вақтда воз кечиш ётади.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик моделлаштириш, жумладан корреляция ва регрессия, қиёслаш ва гуруҳлаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб

борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлиги мисол қилиб олинган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашда хорижий капитал қўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғи сезиларли даражада улкан миқдорга эга бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, давлат кафолатисиз мамлакат иқтисодиётига инвесторлар капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча таваккалчиликларни ўз зиммаларига олганлар. 2020 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар 1725,7 млн. долларга тўғри келганлиги, яна бир бор, республикада қулай инвестиция иқлими яратилганлигини кўрсатиб беради[9].

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида стратегик мақсадларни белгилаб олган, уларни амалга ошириш учун миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини ошириш

зарур. Бунинг учун энг аввало, ички инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳамда ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш негизида амалга ошириш мумкин. Ички иқтисодиётда шакланган жамғарма маблағларининг миқдори ЯИМ ва истеъмол ҳажми билан чекланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ички иқтисодиётида шакланган жамғарма маблағларининг миқдори республика ялпи ички маҳсулоти ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқ. Шунингдек, хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш даражаси 10 %дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киририлган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 %ни ташкил этган бўлиб, уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар улушига тўғри келган[10].

1-жадвал

Тўғридан-тўғри инвестициялар соф келиб тушиши* (млн. доллар)

Инвестиция тури	Жами 2019 йил	Улардан		Жами 2020 йил	Улардан	
		номолиявий корхоналар	Банклар		номолиявий корхоналар	Банклар
Инвестициялар соф келиб тушиши	2316,5	2258,6	57,9	1725,7	1622,4	103,2
<i>шу жумладан</i>						
акционер капиталга соф қўйилмалар**	2077,2	2038,0	39,2	1317,9	1241,2	76,7
даромадлар реинвестицияси**	712,1	693,5	18,7	530,7	504,1	26,6
Бош компаниялардан қарзларнинг соф жалб қилиниши (шу жумладан ҳисобланган лекин тўланмаган фоизлар)	168,7	168,7	0,0	153,2	153,2	0,0
Маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида фаолият юритаётган корхоналарга соф тушумлар	-641,6	-641,6	0,0	-276,1	-276,1	0,0

* маълумотлар тушумлар ва инвестициялар репатриацияси орасидаги фарқни акс эттиради ва ўзлаштирилган инвестицияларни ҳисоблаш учун Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган бошқа сўровномалар натижаларидан фарқ қилиши мумкин. Тўлов баланси методологияси асосида ўтказилаётган сўровнома норезидентларнинг номолиявий корхоналар капиталидаги улушининг соф ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради ва бошқа идоралар тузган маълумот билан фарқ қилиши мумкин.

** номолиявий корхоналар акционер капиталида норезидентларнинг улуши соф ўзгариши ҳамда норезидентларга тегишли бўлган даромадлар қисми Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказиладиган сўров асосида ҳисобланган.

2020 йил якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4,0 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилга нисбатан пасайиш 1,0 млрд. доллар). Молиявий ҳисоб дефицитининг сақланиб қолишига асосий сабаб кредитлар ва қарзлар бўйича норезидентлар олдидаги мажбуриятларни 7,1 млрд. долларга (шундан 3,3 млрд. доллар давлат секторига тўғри келмоқда), тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 1,7 млрд. долларга ортиши ҳамда давлат ва банк секторлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар эвазига портфель инвестицияларнинг 1,4 млрд. долларга ўсишига сабаб бўлди. Жорий йилда халқаро захира активлари операциялари бўйича номонетар олтин сотилиши ҳисобига валюта

компонентида 1,8 млрд. доллар миқдоридаги сезиларли ўсиш кузатилди.

Қуйида келтирилган 2-жадвал маълумотларга кўра, 2020 йил мобайнида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф кириб келиши[12] 1,7 млрд. долларни ташкил қилди. Мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми маҳсулот тақсимотида оид битимлар (МТБ) доирасида инвестициялар репатриацияси ҳажмининг ортиши билан қисман қопланди. Жаҳон иқтисодиётидаги инқироз фонида капиталга соф хорижий инвестициялар 1,6 бараварга камайиб, 1,3 млрд. долларни ташкил қилди, хорижий инвесторлар томонидан даромадларни реинвестиция қилиш ҳажми эса 1,3 бараварга қисқарди.

Молиявий тушумлар ва харажатларнинг тузилиши (млн. доллар)[11]

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020
Молиявий ҳисоб	-2879,9	-5065,1	-4014,6
Молиявий активларнинг соф олиними	-13,4	4036,9	7038,2
Хорижга тўғридан-тўғри инвестициялар	1,9	3,1	1,7
Портфел инвестициялар	-	-	-0,1
Бошқа инвестициялар	1548,4	2627,2	5265,2
Улардан			
валюта ва депозитлар	842,8	591,0	3149,4
савдо кредитлари ва бўнақлар	702,7	2037,2	2112,8
Захира активлар	-1563,7	1406,6	1771,4
Молиявий мажбуриятларнинг соф олиними	2866,5	9102,0	11052,8
Хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар	624,7	2316,5	1725,7
Портфел инвестициялар	13,0	1345,7	1389,4
Молиявий деривативлар	-1,3	-4,3	-6,4
Бошқа инвестициялар	2230,1	5444,0	7944,1
Улардан			
кредитлар ва қарзлар	2050,7	5866,9	7081,2
савдо кредитлари ва бўнақлар	331,0	-560,8	568,5
бошқа кредитор қарздорликлар	-148,7	80,4	93,4

Қарз воситаларига тўғридан-тўғри сармоялар ўтган йилнинг мос даври даражасида сақланиб қолди. Бунга, бош компанияларнинг кредитлари 153 млн. долларни ташкил этганлиги, шунингдек, табиий газ ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши эвазига МТБ (МТБлар бўйича келиб тушган инвестициялар ва уларга ҳисобланган компенсацион маҳсулот фарқи) бўйича соф тўловлар 276 млн. долларни ташкил этганлиги сабаб бўлди. Миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини, ички инвестициялар негизида кўпайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлиқ миллий иқтисодиётда амал қилувчи мавжуд механизмни такомиллаштириш;

- тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ у хорижий валютада бўлсин жалб қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш;

- аҳоли қўлида йиғилган пул маблағларини “Тошкент” фонд биржаси орқали инвестиция жараёнига жалб қилиш ва ҳоказо.


Кўриниб турибдики, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётга янада жадал жалб қилиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш механизмини такомиллаштиришни тақозо этади. Миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини оширишда ички инвестицияларга альтернатив омил, бу фақат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобланади.

2020 йилда портфель инвестиция бўйича мажбуриятларнинг сезиларли даражада соф

ўсиши кузатилди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси томонидан 555 млн. долл. ва 2 млрд. сўмга тенг бўлган халқаро облигациялар чиқарилиши, шунингдек, Миллий банк ва Ипотека банк томонидан халқаро капитал бозорига умумий қиймати 600 млн. долларга тенг евробондлар жойлаштирилиши билан изоҳланади. 2020 йил якунига кўра, портфел инвестиция операцияларининг сальдоси манфий кўринишда шаклланган бўлиб, 1,4 млрд. долларни ташкил қилди (1-расм).

Шу билан бир қаторда, норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестицияларидан олган даромадлари 1,8 млрд. долларни (2019 йилда 2,2 млрд. доллар) ташкил этиб, шундан 78,0 млн. доллари (2019 йилда 45,0 млн. доллар) Ўзбекистоннинг суверен облигациялари ва тижорат банкларининг евробондларидан олинган даромадлар ҳисобига тўғри келди. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан олинган даромадлар 973,5 млн. долларни ташкил қилди (2019 йилда 1,4 млрд. доллар).

2020 йилда тўғридан-тўғри инвестициялардан олинган даромадларнинг 55 фоизи хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция қилинган даромадларни ташкил қилмоқда (2019 йилда 50 фоиз). Ушбу кўрсаткичнинг ошиши хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига ишончи ортаётганлигидан далолат бериши мумкин. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд барча ресурс ва захираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга жалб қилиш механизмини такомиллаштириш борасида ишларни амалга ошириш лозим.



1-расм. Тўғридан-тўғри инвестициялар компонентларининг ўзгариши (млн. доллар)

Тадқиқот натижаларида аниқланган маълумотлар асосида корреляцион усулдан фойдаланиб, иқтисодийни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг боғланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидагича белгилашларни киритамиз:

- Y – инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш,
- X₁ – солиқ бюджет сиёсати,
- X₂ – валюта сиёсати,
- X₃ – нархни шакллантириш сиёсати,

- X₄ – талаб ва таклиф сиёсати,
- X₅ – иш билан бандлик сиёсати.

Ушбу белгилашларни компьютер технологиясининг “EXEL” дастурида берилган формуладаги аргументлар ўрнига қўямиз ҳамда иқтисодий математик усулда танлаб олинган омиллар ўртасидаги боғланиш нисбатларини аниқлаймиз. Қуйидаги 3-жадвалда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг боғланишнинг корреляцион таҳлили келтирилган.

3-жадвал

Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг корреляцион таҳлили

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅
Y	1					
X ₁	0,867594	1				
X ₂	0,836587	0,503251	1			
X ₃	0,678216	0,730325	0,656401	1		
X ₄	0,872231	0,534051	0,672545	0,575552	1	
X ₅	0,620232	0,653023	0,652141	0,461252	0,723612	1

Манба: тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Тадқиқот маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш ҳамда бюджет-солиқ сиёсати ўртасида боғланиш мавжуд (0,867594). Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтирилиши ёки қис-

қартирилиши орқали давлат мамлакат иқтисодиётига аралашади.

Бу ўз навбатида давлат бош ислохотчи тамойили амалда эканлигидан далолат беради. Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш ва валюта сиёсати ўртасидаги боғланиш (0,836587)га тенг бўлиб, бу кўрсаткич

икки муносабат ўртасида ҳам зичроқ боғланиш мавжудлигини ифодалаган, бу ўз навбатида валюта сиёсатидаги барқарорлик капитал қўйилмаларни ортишига олиб келади. Чунки, валюта қийматини барқарорлиги ҳамда инфляция даражасини мувозанат ҳолати инвесторни инвестиция қилишга бўлган қизиқишини рағбатлантиради. Шунингдек, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда валюта курси барқарорлигини ушлаб туриш мақсадида солиқ ёки пул сиёсатидан чет эл валютасининг етишмаслигини бартараф қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш билан нархни шакллантириш сиёсати ўртасидаги боғланиш қиймати (0,678216)ни ифодалаши ўртачадан зичроқ боғланишга эга бўлиб ўз навбатида инвестиция киритилишига имкон яратади. Бунда, иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш лозим. Шунингдек, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш ҳамда талаб ва таклиф сиёсати ўртасидаги боғланиш (0,872231) бошқаларга нисбатан зичроқ бўлиб, ҳар қандай инвестор бозордаги талаб ва таклиф муносабатларини ўрганиш шу асосида белгиланган лойиҳаларга инвестиция киритишларини аниқлатади. Бу ўз навбатида тузилаётган лойиҳаларни ҳар томонлама ўйлаб мукамал равишда ишлаб чиқиб инвесторларга тақдим этишни талаб қилади.

Бундан ташқари ҳар бир омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳам корреляцион таҳлиллари берилган натижаларга кўра, энг катта боғлиқлик нархни шакллантириш сиёсати билан валюта сиёсати ўртасидаги боғланиш (0,656401) бўлиб, бири иккинчисини тўлдирувчиси эканлигини тадқиқот натижаларидан аниқлаш мумкин. Шунингдек, нарх-навони мувофиқлаштириш ўз навбатида валюта сиёсатини барқарорлигини таъминлашга имконият яратади.

Омиллар ўртасида энг кичик қийматни нархни шакллантириш сиёсати ва иш билан бандлик сиёсати ўртасидаги боғланишни ифодаламоқда (0,461252). Ушбу қиймат ўртача боғланишни билдириб, нарх сиёсатини мутаносиб-

лиги аҳолини иш билан банд бўлишини аниқлашда, иш билан тўлиқ бандликни таъминлаш имконини бермайди. Ушбу аниқланган натижаларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда қуйидаги чора-тадбирларни эътиборга олиш лозим:

- инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда валюта курси барқарорлигини ушлаб туриш мақсадида солиқ ёки пул сиёсатидан чет эл валютасининг етишмаслигини бартараф қилиш воситаси сифатида фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш;

- бозордаги талаб ва таклиф муносабатларини ўрганиш шу асосида белгиланган лойиҳаларга инвестиция киритилишини таъминлаш;

- тузилаётган лойиҳаларни ҳар томонлама ўйлаб мукамал равишда ишлаб чиқиб инвесторларга тақдим этилишини таъминлаш кўзда тутилади.

Бундан ташқари шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, нарх-навони мувофиқлаштириш ўз навбатида валюта сиёсатини барқарорлигини таъминлашга имконият яратади. Шунингдек, нарх сиёсатини мутаносиблиги аҳолини иш билан банд бўлишини аниқлашда, иш билан тўлиқ бандликни таъминлаш имконини бермайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида ялпи ички маҳсулот миқдорини ўзгаришини танлаш лозим бўлиб, уни ўсиши мамлакат тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этгани учун ушбу тадқиқот ишида ЯИМ ва унга таъсир этувчи айрим омилларнинг ҳам корреляцион боғлиқлигини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Булар жумласига мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция миқдори, асосий фондлари хажми ва иш билан банд бўлган аҳоли сонини киритиш ўринли деб ўйлаймиз. Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини 5-жадвалдан кўришимиз мумкин.

4-жадвал

ЯИМ ишлаб чиқаришда унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг корреляцион таҳлили

	Мамлакат ЯИМ ишлаб чиқариши, Y	Асосий Фондлар хажми, X_1	Иш билан банд бўлганлар сони, X_2	Киритилаётган инвестициялар миқдори, X_3
Мамлакат ЯИМ ишлаб чиқариши, Y	1			
Асосий Фондлар хажми, X_1	0,97029	1		
Иш билан банд бўлганлар сони, X_2	0,965331	0,69674	1	
Киритилаётган инвестициялар миқдори, X_3	0,989777	0,72937	0,624033	1

Манба: тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

4-жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ ишлаб чиқаришга инвестиция киритилши (0,989777) асосий фондлар хажми ва иш билан банд бўлганлар сони (0,965331)га нисбатан (0,97029) зичроқ боғланган бўлиб, умумий ҳолда ушбу омилларнинг барчаси ЯИМ ишлаб чиқаришга зич боғланганлигини кўриш мумкин. Танланган омиллар ўртасида $r < 0,8$ шартга биноан мультиколлениарлик кузатилмади.

Бу натижаларга асосан хулоса қилсак, инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда бир ёки икки омиллар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан кўзланган мақсадни амалга ошириб бўлмайди. Шу боис уларни илмий жиҳатдан таъсир кучларини ҳисоблаб шунга кўра иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари нафақат ички балки, ташқи омиллар таъсирини ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам эътиборга олиш лозим. Албатта, бу жараёнларни ҳар томонлама мукамал ўрганишда хорижий тажрибаларни ўрганиб бориш, уларни таҳлил этиш ва натижалардан маълум бир хулосаларга келиш кўзланган мақсадга эришишни такомиллаштириш имконини беради. Ривожланган мамлакатларда фойдаланиладиган ташқи иқтисодий тартибга солиш воситаларидан Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда. Бизнингча, бу ҳолатда экспорт тарифидан изчил воз кечиш ташқи савдодан бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминлайдиган экспорт фаолиятини рағбатлантириш билан бирга амалга оширилиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция жараёнларини тартибга солишга ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг иқтисодий воситалари мувофиқ келади, бироқ улардан фойдаланиш самарадорлиги маълум чегараларга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ҳолати кескин ёмонлашган, инфляциялар ва ички ҳамда жаҳон нархлари ўртасида кескин тафовутлар пайдо бўлган даврларда ҳукумат экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг маъмурий воситаларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўринишда бюджет-солиқ сиёсатини сифатли амалга ошириш керак. Бизнинг фикримизча, бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишда бир томонлама фискал ва бошқарувчилик ёндошувидан воз кечиш, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини фаоллаштиришга ўтиш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоиз-

ки, инвестиция жараёнларини тартибга солиш мақсадида бюджет-солиқ сиёсати асосий йўналишларини такомиллаштириш учун жорий йилда кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижалар ва мамлакатимиз ривожланишининг қўйидаги устувор йўналишларни таъминлаш асос қилиб олиниши зарур:

- қаттиқ пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин айирбошланишини таъминлаган ҳолда пул тизими барқарорлигини ва сўмнинг қадрини янада мустаҳкамлаш;

- мамлакат ишлаб-чиқариш корхоналарида солиқ юкини камайтириш бўйича тадбирларни изчил давом эттириш, хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини ошириш;

- уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча рағбатларни яратиш, ЯИМнинг шаклланишида ва ички бозорни тўлдиришда уларнинг ролини ошириш;

- миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қўшимча иқтисодий рағбатларни яратиш, ҳорижий инвестициялар жалб қилиш учун зарур шароитларни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш учун мелиорация ва ирригация тизимларни такомиллаштиришда сув танқислиги мавжуд ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиш;

- иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда йиллик инфляция даражасини пасайтириш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларини, оилавий пудратни қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

- коммунал хизматлар соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ичимлик суви ва табиий газдан самарали ҳамда тежамли фойдаланишни таъминлаш;

- бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалар аҳамиятини ошириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш каби тадбирлардан иборат.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини тартибга солишда энг муҳими, валюта муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Бу ўз навбатида республикага валюта заҳирасини рағбатлантириш учун хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар пўйхати:

1. World investment report 2020. // https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_en.pdf
https://ec.europa.eu/info/sites/default/files/economy-finance/ip144_en_1.pdf
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Фишер С. Экономика / С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи; пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – С. 549.
4. Кругман П. Р. Международная экономика: Теория и политика / П. Р. Кругман, М. Обстфельд; пер. с англ. – М.: Изд-во МГУ, ЮНИТИ, 1997. – С. 306.
5. Макконнелл, К. Экономикс: Принципы, проблемы и политика: в 2 т. / К. Макконнелл, С. Брю; пер. с англ. – М.: Республика, 1996. – Т. 2. – С. 210.
6. Аюшиев А. Д. Инвестиции: учеб. пособие / А. Д. Аюшиев, В. И. Филиппов, А. А. Аюшиев. – Иркутск: Изд-во ИГЭА. – 1996. – С. 4.
7. Кураков Л. П. Российская экономика: состояние и перспективы / Л. П. Кураков. – М.: ЛОГОС, 1998. – С. 376.
8. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент – Киев, МП ИТЕМ ЛТД, Юнайтед Лондон Трейд Лимитед, 1995. –С. 10.
9. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил якуни бўйича маълумотлари. www.stst.uz
10. Механизм инвестиций: международный опыт в контексте Узбекистана // Экономическое обозрение. – Т., 2019, №8. –С. 36.
11. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил якуни бўйича маълумотлари. www.stst.uz
12. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган сўров асосида тузилиб Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмаси (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.).

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИҚДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ашурметова Нигора Азатбековна –

Тошкент давлат аграр университети "Агроиқтисодиёт"
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди,

Тургунов Навруз Гуломкодирович –

Тошкент давлат аграр университети 1-курс магистранти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда инвестиция фаолияти ривожланиши ҳолатининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, аниқланган тенденциялар асосида хулосалар чиқарилган. Мева-сабзавотчилик соҳасининг инвестицион жозибadorлигини тавсифловчи омиллар ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестицион имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ муаммо ва масалалар аниқлаштирилган ва гуруҳлаштирилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестицион жозибadorлик, мева-сабзавотчилик, тараққиёт, қишлоқ хўжалиги, самарadorлик.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПЛОДООВОЩЕВОДСТВЕ

Ашурметова Нигора Азатбековна –

доцент кафедры Агрэкономика, Ташкентский государственный
аграрный университет, кандидат экономических наук

Тургунов Навруз Гуломкодирович –

магистр 1-курса направления "Экономика (в сельском хозяйстве)" ТГАУ

Аннотация. В статье проведен анализ теоретических и практических аспектов состояния развития инвестиционной деятельности в Узбекистане, сформулированы выводы на основе выявленных тенденций. Уточнены и сгруппированы факторы, характеризующие инвестиционную привлекательность плодоовощеводческой отрасли, а также проблемы и вопросы, связанные с расширением инвестиционных возможностей сельскохозяйственных предприятий.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная привлекательность, плодоовощеводство, развитие, сельское хозяйство, эффективность.

THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF INVESTMENT ACTIVITIES IN FRUIT AND VEGETABLES GROWING

Ашурметова Нигора Азатбековна –

candidate of Economic Sciences, associate professor,
Tashkent State Agrarian University, Associate Professor

Тургунов Навруз Гуломкодирович –

Master's student, Tashkent State Agrarian University

Annotation. The article analyzes the theoretical and practical aspects of the state of investment activity development in Uzbekistan, and draws conclusions based on the identified trends. The factors characterizing the investment attractiveness of the fruit and vegetable industry, as well as problems and issues related to the expansion of investment opportunities of agricultural enterprises are clarified and grouped.

Keywords: investments, investment attractiveness, fruit and vegetable growing, development, agriculture, efficiency.